

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ҲУҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган, ҳафтада бир марта чоп этилади

Янги ҳужжатларни тақдим этамиз

Тақдим этилаётган, шунингдек сўнгги пайтда қабул қилинган бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан «Norma» АҚТ ва norma.uz, nrm.uz сайтларида танишиб чиқишингиз мумкин.



54 лицей коллежга айлантирилади

Президентнинг 14.03.2017 йилдаги ПҚ-2829-сон қарори билан Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари комплекси тасдиқланди.

Қатор вазирлик ва идораларнинг тақлифларига кўра моддий-техник ва ўқув-педагогик базаси нисбатан паст даражали 4 та академик лицей тугатилмоқда. 2017/2018 ўқув йилидан бошлаб ушбу лицейларга ўқувчиларни қабул қилиш тўхтатилади.

Бундан ташқари, фаолияти кўрсаткичлари энг паст бўлган 54 та академик лицейни босқичма-босқич касб-хунар коллежларига айлантириш тўғрисида қарор қабул қилинди. Касб-хунар коллежларига айлантирилаётган академик лицейларнинг 2 ва 3-босқичлари ўқувчилари лицейларнинг биноларида амалдаги ўқув дастурлари ва ўқитиш шартлари бўйича ўқитишни тугаллашади. Таълим якунлангач улар якуний давлат аттестациясидан ўтишлари керак бўлади. Бундан кейин уларга яқинда жойлашган таълим йўналиши ўхшаш бўлган академик лицейларда давлат намунасидаги академик лицей битирувчиси дипломи берилади.

Қарор билан ўқув жараёни самарадорлигини янада ошириш ва академик лицейлар битирувчиларининг олий таълим муассасаларига ўқишга кириши кўрсаткичларини ошириш чора-тадбирлари дастури тасдиқланди. Улар, хусусан, қуйидагилардан иборат:

○ академик лицейларда ўқув гуруҳлари таркиби 26 нафар ўқувчидан ортқ бўлмаган тарзда шакллантирилади;

○ чуқурлаштирилиб ўрганиладиган фанлар (таълим йўналишлари) бўйича академик лицейларда амалий, лаборатория ва семинар машғулотлари гуруҳларни 2 кичик гуруҳга бўлиш йўли билан ташкил этиладиган кичик гуруҳларда ўтказилади;

○ ходимларни педагогик фаолиятга жалб этиш олий маълумотли ва камида 5 йил узлуксиз педагогик иш стажига эга бўлган шахслар орасидан танлов асосида амалга оширилади;

○ академик лицейлар директор-

ларининг бўш лавозимларини эгаллашга танловда иштирок этиш учун номзодлар бўйича тақлифлар Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимининг бошқарув органлари раҳбар кадрларини танлаш, тайинлаш ва аттестациядан ўтказиш бўйича республика комиссиясига академик лицейлар бириктирилган олий таълим муассасалари ректорлари томонидан киритилади;

○ 2017/2018 ўқув йилидан бошлаб ўқувчиларни умумтаълим фанлари бўйича дарсликлар билан таъминлаш Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Республика мақсадли китоб жамғармасининг маблағлари ҳисобига ижара асосида амалга оширилади, кам таъминланган оилалардан бўлган ўқувчилар эса бюджет маблағлари ҳисобига дарсликлар билан бепул таъминланади;

○ академик лицейларнинг битирувчиларига тасдиқланган рўйхат бўйича махсус чуқурлаштирилган тайёргарликни талаб этмайдиган алоҳида мутахассисликлар берилади.

Ҳужжатда шунингдек унда кўрсатилган чора-тадбирларни ўз вақтида ва самарали амалга ошириш бўйича қатор вазифалар белгиланган.

МЕЎЁРИЙ ЛОЙИҲАЛАР

Адлия вазирлиги томонидан Молия-ҳўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ва қонунчиликда белгиланган муддатларда ўзларининг устав жамғармаларини шакллантирмаган корхоналарни тугатиш тартиби тўғрисида низомга (3.07.1999 йилдаги 327-сон ВМҚ билан тасдиқланган) тузатишлар лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Корхоналарни тугатиш муддати қисқартирилади

Лойиҳада мазкур ҳужжатнинг амал қилиш соҳасига тузатишлар киритиш ва уни қуйидагиларга татбиқ этмаслик тақлифи киритилмоқда:

○ банклар ва кредит бюрolari;

○ давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари (ННТ), шу жумладан юридик шахс ҳисобланадиган уларнинг алоҳида бўлинмалари (ваколатхоналари ва филиаллари), шунингдек халқаро ва хорижий ННТларнинг филиаллари ва ваколатхоналари;

○ ихтиёрий тугатилаётган корхоналар;

○ суднинг қарорига кўра банкрот деб тан олинган ва тугатилаётган корхоналар.

Туман ва шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги махсус комиссиялар тугатиш масалалари билан шуғулланадилар. Мазкур ҳудудий даражадаги солиқ инспекциялари махсус комиссияларнинг ишчи органлари ҳисобланади.

Ҳозирда 2 турдаги комиссия расман фаолият юрutmоқда. Биринчиси – адлия органлари томонидан давлат рўйхатидан ўтказилган корхоналар бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги махсус комиссиялар. Иккинчиси – шаҳарлар, туманлар ҳокимликларининг маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан давлат рўйхатидан ўтказилган корхоналар бўйича тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш инспекцияларидаги комиссиялари (ҳозир тугатилган).

Молия-ҳўжалик фаолиятини сўнгги 6 ой мобайнида амалга оширмаган корхоналар (банк операцияларини 3 ой мобайнида амалга оширмаган савдо, савдо-воситачи корхоналар) ҳақидаги маълумотлар, аввалгидек, банк томонидан ДСИга тақдим этилади. Бироқ энди солиқ органлари улар орасидан қуйидаги корхоналарни тезда (1 ҳафта ичида) аниқлаши керак бўлади:

○ давлат рўйхатидан ўтказилган вақтдан бошлаб молия-ҳўжалик фаолиятини бошламаган;

○ мол-мулкка эга бўлмаган ва (ёки) мол-мулкни аниқлаш мумкин бўлмаган;

○ муассислари (қатнашчилари)нинг турар жойини аниқлаш, тугатиш жараёнига мазкур шахсларни жалб қилишни таъминлаш имкони бўлмаган.

ТАТУ: кадрлар тайёрлаш ва илмий изланишдаги янги вазифалар

Президентнинг «Тошкент ахборот технологиялари университетининг фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори (15.03.2017 йилдаги ПҚ-2834-сон) қабул қилинди.

Тошкент ахборот технологиялари университетига (ТАТУ) Мухаммад ал-Хоразмий номи берилди. ТАТУнинг иқтидорли талабаларига Мухаммад ал-Хоразмий номидаги стипендия берилади.

ТАТУ ҳузуридаги Дастурий маҳсулотлар ва аппарат дастурий мажмуаларини яратиш маркази

негизда барча ҳуқуқлари ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий ворис бўлиб ҳисобланадиган, юридик шахс мақомига эга бўлган Ахборот-коммуникация технологиялари илмий-инновацион маркази ташкил этилди.

Шунингдек ТАТУ ҳузурида юридик шахс мақомига эга бўлмаган


Илмий-инновацион ривожлантириш жамғармаси ташкил этилмоқда. Жамғарма уяли алоқа компаниялари томонидан абонент рақамидан фойдаланганлик учун тўланадиган тўловдан тушадиган маблағларнинг 1% миқдоридagi ажратмалар ва қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа тушумлар ҳисобидан шакллантирилади.

Жамғарма маблағларини бошқариш вазифаси ТАТУнинг Вазирлик кенгашига топширилди.

Оилавий корхоналарга кредит ажратиш механизми соддалаштирилди

Президентнинг 17.03.2017 йилдаги ПҚ-2844-сон қарори билан юридик шахсни ташкил этмасдан янги рўйхатга олинган яқка тартибдаги тадбиркорлар ва оилавий тадбиркорлик субъектларига микрокредит ажратиш механизми соддалаштирилди.

Микрокредитлаш шартлари қуйидагилардан иборат: **ЭКИХнинг 20 баробаригача** – тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун олинган товарларни гаров сифатида ҳисобга олган ҳолда;



Ушбу
сонда:

4-БЕТ

Қайси бири яхши:
автолизингми ё кредит?

6-БЕТ

Бош бухгалтер ўринбосари
кассирлик қила оладими?

7-БЕТ

Дўкондаги видеокузатув ахбороти
қанча муддат сақланади?

Оилавий корхоналарга кредит ажратиш механизми соддалаштирилди

1-бетда ЭКИХнинг 60 баробарига — қонун ҳужжатларида назарда тутилган таъминот турлари билан бир қаторда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ваколатлар доирасида кафиллиги асосида;

ЭКИХнинг 100 баробарига — Имтиёзли кредит бериш махсус жамғармаси маблағлари ҳисобидан узоқ ва бориш қийин бўлган, шунингдек меҳнат ресурслари ортқиқа бўлган ҳудудларда.

Бундан ташқари, 2021 йил 1 январга қадар рўйхатдан ўтган алоҳида фаолият турлари билан шугулланадиган тадбиркорлар микрокредитларни расмийлаштиришда (ЭКИХнинг 20 баробарига ёки 60 баробарига) 6 ой муддатга қатъий белгиланган солиқ тўловларидан озод этилади.

Бироқ улар давлат рўйхатига олинган кундан эътиборан 12 ой ичида тугатилса ёки 3 ёхуд ундан кўп ой муддатга фаолиятини тўхтатса, фаолият кўрсатган даври учун солиқ тўлайдилар.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларига кредит ҳисобидан сотиб олинадиган қорамол, қўй-эчки, қўён, парранда, балиқ, асалари уяси, мева ва дарахт ва ток кўчатлари, уруғ, минерал ўғит, ўсимликларни кимёвий ҳимоя қилиш воситалари, маиший техника, ускуналар, қурилиш материаллари ва бошқа товарларни ҳеч қандай чекловларсиз нақд пулсиз ҳисобкитоб йўли билан етказиб беришни ташкил этишга қўмаклашиш топширилди.

Шошилич тиббий ёрдамни молиялаштириш 2 бараварга оширилади

Президентнинг «Шошилич тиббий ёрдамни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони (16.03.2017 йилдаги ПФ-4985-сон) билан тез тиббий ёрдамнинг ягона тузилмаси ва мувофиқлаштирувчи-диспетчерлик хизматлари ташкил этилади.

Республикада шошилич тиббий ёрдам кўрсатиш тизимининг тезкорлигининг замонавий жаҳон талабларига, юқори технологиклиги ва самарадорлигига мувофиқ кечиктириб бўлмайдиган ва тез тиббий ёрдам хизматини ўз ичига оладиган ягона ташкилий тузилмаси ташкил этилади.

Тез тиббий ёрдамнинг кўчма бригадалари фаолиятини тезкорлик билан мувофиқлаштириш ва шошилич хизматлари билан ўзаро ҳамкорликни таъминлаш учун маълумотлар узатишнинг ягона базаси ва тармоғини ташкил этган ҳолда шошилич тиббий ёрдамни бошқаришнинг ахборот тизими жорий этилади.

Бунда 2019 йил 1 январдан бошлаб Республика шошилич тиббий ёрдам маркази ва унинг ҳудудий филиалларининг маълумот-

ларни узатишнинг ягона тармоғига бирлаштирилган ҳамда республиканинг барча ҳудуди бўйича тез тиббий ёрдам қаҳриқларини қабул қилиш ва қайта ишлаш таъминлайдиган мувофиқлаштирувчи-диспетчерлик хизматлари ташкил этилади.

Ҳукумат томонидан тасдиқланадиган рўйхатлар бўйича мувофиқлаштирувчи-диспетчерлик хизматлари эҳтиёжлари учун олиб келинадиган технологик ва телекоммуникация ускунаси, бутловчи буюмлар, эҳтиёт қисмлар ва дастурий таъминлаш 2020 йил 31 декабргача бўлган даврда божхона тўловларидан озод қилинади (божхона йиғимлари бундан мустасно).

Моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун қўйидагилар режалаштирилди:

○ 2017—2020 йилларда 240 та объект-

ни мукамал таъмирлаш ва 369 та объектни жорий таъмирлаш;

○ тез тиббий ёрдам кўчма бригадаларини тасдиқланган нормативларга мувофиқ дори воситалари, тиббиёт буюмлари ва сарфлаш материаллари билан босқичма-босқич таъминлаш, ушбу мақсадлар учун 2017 йилда молиялаштириш ҳажми-ни камида 2 баравар кўпайтириш;

○ туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаларининг тез тиббий ёрдам кўчма бригадаларини Республика шошилич тиббий ёрдам марказининг ҳудудий филиаллари орқали дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан марказлаштирилган тартибда таъминлаш;

○ 2017 йилда 1 200 та ихтисослаштирилган автотранспорт воситалари сотиб олиш йўли билан тез тиббий ёрдам хизмати, шу жумладан, туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаларининг автопаркини янгилаш;

○ 2017 йил 1 апрелдан бошлаб ихтисослаштирилган автотранспорт воситаларига техник ва сервис хизмати кўрсатишни уларни тегишли ҳудудий ихтисослаштирилган автобазага бериш йўли билан ҳудудий даражада марказлаштириш.

Корхоналарни тугатиш муддати қисқартирилади

1-бетда Эслатиб ўтамиз, ДСИ рўйхатдан ўтказувчи органга («бир дарча» марказлари) мол-мулк бўлмаган ва (ёки) муассислари бедаарак бўлган корхоналар бўйича тугатиш тўғрисида тақдимнома юборади. Қолган корхоналар бўйича эса махсус комиссиянинг корхона фаолиятини бундан кейин давом эттиришининг мақсадга мувофиқ эканлиги ёхуд мақсадга мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги ҳулосаси олиниши шарт.

Махсус комиссия томонидан корхона фаолиятини бундан кейин давом эттиришнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисида қарор қабул қилинганидан кейин унинг фаолият юритиши учун барча тўсиқлар бартараф этилиши кераклиги режалаштирилмоқда. Агар корхонанинг банк ҳисоб-рақамлари бўйича операциялари суднинг тегишли қарори билан тўхтатиб турилган бўлса, бу масалада судга мурожаат қилган давлат органи 3 кун ичида суд ишлари органларига ташкилотнинг банк ҳисоб-рақамлари бўйича операцияларни тиклаш тўғрисидаги илтимосномани тақдим этишлари керак.

Лойиҳа билан аниқлаштирилишича, махсус комиссиялар корхонанинг пул маблағларини сўмлардаги ягона ва валютадаги ягона ҳисоб-варақларида (туғатиш ҳисобварағида) жамлашни мустақил равишда амалга оширмайдиган, балки ташкилотга хизмат кўрсатувчи банкка тегишли топшириқларни берадилар. У бир ҳафта мобайнида топшириқларни бажариши керак ва махсус комиссияга ҳисобварақлар бўйича маблағлар қолдиғи ҳақидаги маълумотларни тақдим этади.

Бундан ташқари, махсус комиссия томонидан корхонанинг муҳри, учбурчак штамп ва давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳномаси топилмаган тақдирда амалга ошириладиган ҳаракатлар тартиби баён этилган. Уларнинг ҳақиқий эмаслиги ҳақидаги эълон оммавий ахборот воситаларида жойлаштирилиши лозим.

Лойиҳада бошқа қатор ўзгартиришлар ва қўшимчалар келтирилган.

Самир Латипов,
«Norma Online» эксперти.

Олег Заманов, «Norma Online» эксперти.

ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН ҚИЙМАТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қўйидаги қийматини белгилади.*

	23.03.2017 й.	28.03.2017 й.
1 Австралия доллари.....	2715,72	2742,28
1 Англия фунт стерлинги.....	4423,07	4503,85
1 Дания кронаси.....	514,93	524,31
1 БАА дирҳами.....	966,26	978,85
1 АҚШ доллари.....	3548,11	3595,02
1 Миср фунти.....	196,03	197,64
1 Исландия кронаси.....	32,43	32,70
1 Канада доллари.....	2651,80	2698,16
1 Хитой юани.....	515,62	523,22
1 Малайзия ринггити.....	801,02	815,20
1 Польша злотийси.....	895,04	913,72
1 СДР.....	4830,50	4900,41
1 Туркия лираси.....	976,44	997,34
1 Швейцария франки.....	3568,81	3640,16
1 ЕВРО.....	3801,44	3883,95
10 Жанубий Корея вон.....	31,58	32,27
10 Япония иенаси.....	317,85	325,96
1 Россия рубли.....	61,99	62,60
1 Украина гривнаси.....	132,14	132,54

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мажбурий валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

Тахририят аноним хатларга муносабат билдирмаслиққа, қонун ҳужжатларида белгилангандан ташқари ҳолларда респондентнинг хоҳишига кўра у ҳақидаги ахборотни учинчи шахсларга бермаслиққа ҳақли.

МДҲ ВА БОЛТИҚБЎЙИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

Мамлакат	Сана	АҚШ доллари		Евро		Россия рубли	
		бирлиги	курси	бирлиги	курси	бирлиги	курси
Озарбайжон	27.03.2017	1	1,7201	1	1,8654	1	0,0302
Арманистон	24.03.2017	1	484,04	1	523,10	1	8,44
Беларусь	27.03.2017	1	1,8808	1	2,0268	100	3,2773
Грузия	27.03.2017	1	2,4513	1	2,6484	100	4,2821
Қозғоғистон	27.03.2017	1	316,56	1	342,14	1	5,52
Қирғизистон	27.03.2017	1	68,8	1	74,304	1	1,1981
Молдова	27.03.2017	1	19,5645	1	21,1453	1	0,3418
Россия	25.03.2017	1	57,4247	1	61,8636	—	—
Тожикистон	27.03.2017	1	8,1449	1	8,7582	1	0,1401
Туркманистон	27.03.2017	1	3,5000	1	3,7790	100	6,1464
Украина	27.03.2017	100	2 712,4559	100	2 930,8086	10	4,7235

Марказий (миллий) банкларнинг расмий сайтлари маълумотлари асосида.

• ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР — Янги ҳужжатларни тақдим этамиз • МЕЪБҲРИЙ ЛОЙИҲАЛАР — Корхоналарни тугатиш муддати қисқартирилади • ҲЎЖАЛИК ЮРИТИШ ҚОЙДАЛАРИ — Терминаллар учун ижара тўлови 50%га камаяди — Тайёрлаш бошқа, намойиш этиш бошқа — Темир-терас топшириш лицензия талаби эмас — Фоидаланилиши чекланган карта • АВТОНОРМА — Устуворлик принциплари кўра — Кредитни ёки лизинг?	1-2-бетлар 1-2-бетлар 3-бет	— Фақат ўзингиз опасиз — Рўйхатдан ўтказишингиз шарт • КАДРЛАР БЎЛИМИ — Таркибий бўлинмада меҳнат муҳофазаси — Паспорт нусхасини кўрсатиб... — Учтасининг ўрнини босади — Ишдан мажбурий бўшатилади. Нафақа тўлайликми? • СИЗНИНГ ҲУҚУҚИНГИЗ — Ўғирлик ҳақидаги ариза юзасидан жавоб опамизми? — Суд тизими янада такомиллашади — Ё доволанинг, ё ўлинг — Кредитни сўндириш: муддатни ўтказиш ёки депозит	4-бет 5-6-бетлар 7-8-бетлар
--	--	---	--

«Норма маслаҳатчи» газетасида эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда қўлайтириш, тарқатишга фақат «NORMA» gazetalarini birlashgan tahririyati» МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.



Терминаллар учун ижара тўлови 50%га камаяди

Марказий банк Ўзбекистон Банклар уюшмаси билан биргаликда банкларро чакана тўлови тизимида сўмдаги пластик карталар воситасида мижозларга хизмат кўрсатиш бўйича тариф режасига бир қатор ўзгартариш ва қўшимчалар киритди.

Марказий банк хабарида қайд этилишича, киритилаётган ўзгартариш ва қўшимчалар Президентнинг «Республикада банк пластик карточкалари асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизимини янада ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори (2.02.2017 йилдаги ПҚ-2751-сон) доирасида қабул қилинган.

Жорий йил 15 мартда кучга кирган янги тариф режасига кўра, юридик шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорларнинг терминаллар учун ижара тўлови 50%га камаяди. Чунончи, энди юридик шахслар учун тўлов 5 еврогача, яқка тартибдаги тадбиркорлар учун эса – 2,5 еврогача (тўлов кунидаги ЎзР МБ курси бўйича) миқдорни ташкил этади.

Марказий банк хабар қилган бошқа янгилик жисмоний шахсларнинг пластик карточкалари ҳисобидаги суммалар қолдиқларига ҳисобланадиган фоизларга тааллуқли. Энди пластик карталардаги қолдиқ маблағлар учун капиталлашув тижорат банклари билан шартномалар асосида амалга оширилади. Эслатиб ўтамиз, илгари капиталлашув Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкасидан (айни пайтда – 9%) кам бўлмаган миқдорда белгиланар эди.

Шунингдек хабарда қайд этилишича, мамлакат тижорат банклари пластик карталар инфратузилмасини кенгайтириш чора-тадбирларини амалга оширмоқдалар. Айна пайтда банк карталари бўйича қисқа муддатли истеъмолад кредитларини бериш (овердрафт) тартиби ишлаб чиқилмоқда. Улар бўйича фоиз ставкалари банкларнинг ўзи томонидан шартнома асосида ички кредит сиёсатидан келиб чиқиб белгиланади.

Бундан ташқари, банклар савдо-сервис ташкилотлари билан биргаликда пластик карталарнинг жозибдорлигини оширишга йўналтирилган турли хил бонусли, дисконт ва рағбатлантирувчи дастурларни жорий этиш амалиётини давом эттиради.

Тайёрлаш бошқа, намоиш этиш бошқа

МЧЖ таркибига 2 та телеканал қиради. Телевизион маҳсулот яратилади. Телеканал аудиовизуал асарларни тайёрлаш, дубляж қилиш, аудиовизуал асарларга (теле-, кино- ва видеофильмлар, клиппар, концерт дастурларининг ёзувлари ва ҳ.к.) овоз бериш, субтитрлаш учун лицензия расмийлаштириши керакми?

Г.М.

– Аввало лицензия телеканалга эмас, балки юридик шахсга, яъни мазкур ҳолда маъсулияти чекланган жамиятга берилишини қайд этиб ўтамиз (Низомнинг 2, 4-бандлари, ВМнинг 22.11.2000 йилдаги 458-сон қарорига 2-илова).

Телеканал фаолияти учун телекўрсатув, радиоэшиттиришларни тарқатиш тармоқлари хизматларини кўрсатишга (трансляция қилишга) ли-

цензия зарур, аудиовизуал асарларни тайёрлаш, дубляж қилиш ва экранда намоиш этиш бўйича фаолият (овоз бериш, субтитрлаш) эса алоҳида турдаги лицензияланадиган фаолият ҳисобланади (Рўйхат, Олий Мажлиснинг 12.05.2001 йилдаги 222-II-сон қарорига 1-илова).

Аудиовизуал асарларни тайёрлаш, дубляж қилиш ва экранда намоиш этишга лицензиялар беришни тартибга

Темир-терсак топшириш лицензия талаби эмас

Улгуржи савдо билан шугулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия олиш учун Савдо департаменти темир-терсак топшириш нормасини йилга 10 тонна этиб белгиланган. Темир-терсак топширилмаса, лицензия берилмайди.

Савдо департаменти ходимлари металл конструкциялар ишлаб чиқаришга алоқаси бўлмаган компанияни улгуржи савдога лицензия олиш учун қора металл парчалари ва чиқиндиларини топширишга мажбур этишга ҳақлими?

С.Шапанова.

– Қонун ҳужжатларида лицензия олиш учун саволингизда кўрсатилган талаблар назарда тутилмаган (ВМнинг 5.11.2005 йилдаги 242-сон қарори билан тасдиқланган Низом).

Лицензия беришни рад этиш учун қуйидагилар асос бўлиши мумкин:

○ лицензия даъвогарининг ҳужжатларини лозим тарзда расмийлаштирмай тақдим этиши;

○ лицензия даъвогари тақдим этган ҳужжатларда нотўғри ёки бузиб кўрсатилган маълумотларнинг мавжудлиги;

○ лицензия даъвогарининг лицензия талаблари ва шартларига, шунингдек танлов (тендер) шартларига номувофиқлиги («Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Қонуннинг 17-моддаси).


Ўз навбатида қуйидагилар лицензия талаблари ва шартлари ҳисобланади:

○ ЎзРнинг улгуржи савдо фаолиятини амалга оширишни тартибга солувчи қонун ҳужжатларига риоя қилиш;

○ ЭКИХнинг камида 3 500 баравари миқдорда, улардан ЭКИХнинг камида 1 200 баравари миқдорда пул маблағ-

солувчи қонун ҳужжатларида (Низом, ВМнинг 15.03.2012 йилдаги 72-сон қарорига 2-илова) тарқатиш тармоқлари хизматларини кўрсатишга (трансляция қилишга) лицензияси бўлган юридик шахслар учун истиснолар назарда тутилмаган.

Бинобарин, ушбу фаолият учун алоҳида лицензия олишингиз зарур.



лари билан шакллантирилган устав фондининг мавжуд бўлиши;

○ мажбурий тартибда сертификатланиши керак бўлган товарлар сотилган тақдирда мувофиқлик сертификатлари ёки маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарда сертификатланганлиги тўғрисидаги маълумотлар ёхуд уларнинг нусхалари мавжуд бўлиши (Низомнинг 9-банди).

Бошқа асосларга кўра, шу жумладан, лицензия бериш мақсадга мувофиқ эмас деган ваз билан лицензия беришни рад этишга йўл қўйилмайди («Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Қонуннинг 17-моддаси 2-қисми).

Шу тариха, лицензияловчи органнинг талабларини асоссиз деб ҳисоблаймиз, сиз лицензияловчи органнинг хатти-ҳаракатлари устидан судга ёки прокуратурага шикоят қилишга ҳақлисиз (ХПҚнинг 24-моддаси 1-қисми 9-банди; «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Қонуннинг 17-моддаси 3-қисми; «Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузайдиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида»ги Қонун).

Фойдаланилиши чекланган карта

Корхона – авиакомпаниялар сотиш кассаси. Бизга яқка тартибдаги тадбиркорлар номига расмийлаштирилган, фамилия ва исмлари авиакомпанияларни харид қилувчиларниқига мос келмайдиган корпоратив пластик карточкалар билан келадилар.

Яқка тартибдаги тадбиркорлар номига расмийлаштирилган бировларнинг корпоратив пластик карточкалари воситасида ҳақ тўланганда авиакомпанияларни бериш мумкинми?

З.Матсалаева.

– Йўқ, мумкин эмас.

Банк миллий валютадаги банк картасини яқка тартибдаги тадбиркорга фақат унинг бевосита ишлаб чиқариш, савдо, хизмат кўрсатиш ва ишларни бажариш фаолияти билан боғлиқ бўлган тўловларни амалга ошириш ҳуқуқи билан беради (АВ томонидан 4.09.2008 йилда 1850-сон билан рўйхатдан ўтказилган Низомнинг 1-банди 2-хатбошиси).

Бундан яқка тартибдаги тадбиркор ўзидан бошқа шахсга банк картаси

сақловчиси ваколатини бериши мумкин эмас (Низомнинг 1-банди 3-хатбошиси).

Бундан ташқари, ЯТТ банк карталаридан фақат қуйидаги харажатлар учун тўловлар амалга оширилиши мумкин:

а) хом ашё ва материаллар (шу жумладан, қурилиш материаллари), ярим тайёр маҳсулотлар, фурнитура, асбоб-ускуналар сотиб олиш;

б) коммунал тўловлар (иситиш, иссиқ сув, ичимлик суви, оқава, электр энергияси, газ ва чиқинди учун тўловлар);

в) ижара тўловлари;

г) солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар;

д) чакана савдо фаолияти билан шугулланувчи яқка тартибдаги тадбиркорлар томонидан аҳолига нақд пулга сотиш мақсадида харид қилинган товарлар учун;

е) жорий фаолияти билан боғлиқ бошқа харажатларни тўлаш учун (Низомнинг 6-банди).

Шартнома шартлари қонун ҳужжатларига мувофиқ келиши керак (ФҚнинг 1-моддаси 2-қисми). Баён этилганларни ҳисобга олган ҳолда ЯТТ банк картасини тақдим этувчи унинг сақловчиси бўлмаганда унинг воситасида авиакомпанияларни сотиш ҳуқуққа эид бўлади деб ҳисоблаймиз.

Шу билан бирга ЯТТ банк картаси орқали амалга оширилган операцияларнинг қонунийлиги учун жавобгарлик карта ҳисобварагини очган яқка тартибдаги тадбиркор зиммасида бўлади (Низомнинг 12-банди).

ЭКСПЕРТГА САВОЛ

ДИХХХ органлари юридик шахс (муассис) балансидан бошқа юридик шахс балансига унинг устав фондини тўлдириш учун берилган автомобилларни қайта рўйхатдан ўтказишдан бош тортмоқдалар. Низом (ВМнинг 7.03.2006 йилдаги 38-сон қарори билан тасдиқланган) ва Қоидаларга (ВМнинг 26.05.1997 йилдаги 256-сон қарорига 1-илова) таяниб, фақат: нотариал идоралар томонидан берилган олди-сотди, ҳадя, айирбошлаш, лизинг, сублизинг шартномалари, ворислик, мерос ва мулкка эгалик қилиш ҳуқуқини берувчи гувоҳномалар ва бошқаларни тан олмақдалар. Бу ҳолда қандай йўл туттиш мумкин?

М.Усмонов,
бухгалтер.

Устуворлик принципига кўра

— Ҳа, ҳақиқатан ҳам, бу ҳолда ДИХХХ органининг автотранспорт воситаларини қайта рўйхатдан ўтказишга рад жавобини олишингиз мумкин. Гап шундаки, транспорт воситалари эгаси ўзгарганда, қуйидаги ҳужжатлар асосида қайта рўйхатдан ўтказилади:

○ белгиланган тартибдаги ариза;

○ нотариал идоралар томонидан берилган олди-сотди, ҳадя, айирбошлаш, лизинг, сублизинг шартномалари, ворислик, мерос ва мулкка эгалик қилиш ҳуқуқини берувчи гувоҳномалар;

○ суд қарори;

○ Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси идоралари томонидан берилган ордер;

○ четдан келтирилган ва божхона назорати остида турган транспорт воситалари учун божхона органлари томонидан бериладиган махсус гувоҳнома;

○ бир вазирликка қарашли ва бир молиявий тизимдаги ташкилотлар учун ДИХХХ рўйхатида бўлган транспорт воситалари балансдан балансга бепул берилганлиги тўғрисидаги буйруқдан кўчирма (Қоидаларнинг V бўлими 1-банди «в» кичик банди, ВМнинг 26.05.1997 йилдаги 256-сон қарорига 1-илова).

Шу тариқа, ташкилот устав фондида автототранспорт воситаларини киритиш тарзида битим тузаётганда қайта рўйхатдан ўтказиш Қоидаларда назарда тутилмаган.

Бунда фуқаролик ҳуқуқ ва бурчлари қонунда назарда тутилган шартномалар ва бош-

қа битимлардан, шунингдек гарчи қонунда назарда тутилган бўлмаса-да, лекин унга зид бўлмаган шартномалар ва бошқа битимлардан вужудга келади (ФКнинг 8-моддаси 2-қисми 1-банди).

Бунинг устига, тадбиркорлик фаолияти субъектларининг давлат органлари билан ўзаро муносабатларида тадбиркорлик фаолияти субъекти ҳуқуқларининг устуворлиги принципи амал қилиб, унга мувофиқ қонун ҳужжатларида тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган барча бартараф этиб бўлмайдиган зиддиятлар ва ноаниқликлар тадбиркорлик фаолияти субъектининг фойдасига талқин этилади («Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуннинг 11-моддаси).

Ушбу масалани ҳал этиш учун кўрсатилган давлат органининг хатти-ҳаракатлари устидан шикоят билан судга мурожаат этишга ҳақлисиз («Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 1-моддаси).

Шикоят қондирилганда суднинг ҳал қилув қарори транспорт воситасини қайта рўйхатдан ўтказиш учун асос бўлиб хизмат қилади (Қоидаларнинг 1-банди «в» кичик банди).

Жўрабек Муротов,
«Norma Online» эксперти.

Маълумот учун!

2021 йил охирига келиб йўловчи автобус йўналишлари сони **11,8%**га ошади ва қарийб **2 000** та йўналишни ташкил этади, шундан деярли **1 600** таси – шаҳар атрофидаги ва шаҳарлараро йўналишлардир.

Рўйхатдан ўтказишингиз шарт

Мен АҚШда узоқ муддатли хизмат сафаридаман. Ўзбекистонда автомобилим бор, уни қариндошим миниб, кейин сотиши учун бермоқчиман, яъни транспорт воситасини сотиш имкони билан бошқариш ва тасарруф этиш ҳуқуқига ишончномани расмийлаштирмоқчиман. Бироқ Ўзбекистонга кела олмаيمان. Чет элда берилган ишончнома: а) легаллаштирилган; б) апостиль қўйилган бўлса, ишонч билдирилган шахс уни Ўзбекистон ДИХХХ органларида рўйхатдан ўтказиши шартми?

Газетхон.

— АҚШ нотариуси тасдиқлаган автотранспортга ишончнома АҚШнинг ваколатли давлат органи апостиль қўйишни талаб этади. Бунда легаллаштириш талаб этилмайди, сабаби АҚШ ва Ўзбекистон Чет элнинг расмий ҳужжатларини легаллаштириш тала-

бини бекор қилувчи конвенция (Гаага, 5.10.1961 йил) аъзолари ҳисобланади.

Нотариал тасдиқланган ишончнома тасдиқланган вақтдан бошлаб 10 кун мобайнида ДИХХХ органларида рўйхатдан ўтказилиши керак (Қоидаларнинг 5-банди 3-хатбошичи, ВМнинг 26.05.1997 йилдаги 256-сон қарорига 1-илова; ВМнинг 7.03.2006 йилдаги 38-сон қарори билан тасдиқланган Низомнинг 11-банди 1-хатбошичи).

Легаллаштириш ва апостиль қўйишнинг моҳияти халқаро мулоқотда, шу жумладан Ўзбекистон Республикасида ҳужжатнинг ҳақиқийлиги ва ҳуқуқий кучга эгалигини тан олишдан иборат (АВ томонидан 12.03.1997 йилда 313-сон билан рўйхатдан ўтказилган Йўриқноманинг 1-банди 2-хатбошичи; Конвенциянинг 5-моддаси).

Бундан ташқари, АҚШда бўла туриб ишончномани расмийлаштириш учун Ўзбекистоннинг консуллик муассасасига ҳам мурожаат қилишингиз мумкин. Консул бундай ишончномани тасдиқлаш тарзи-

БИЗГА МАКТУБ ЙЎЛЛАБСИЗ

Кредитми ёки лизинг?

Мен корхонада ҳайдовчи бўлиб ишлайман. Шахсий фойдаланишим учун автомобиль сотиб олмақчиман. Автокредитдан фойдаланиш мумкинлигидан хабарим бор. Раҳбарият машинани лизингга олишни таклиф қияпти. Кредит билан лизингнинг фарқи нимада?

Л.Курамов.

— Ҳақиқатан ҳам, автомобиль харид қилиш учун Ўзбекистон банкларидан бирига ёки автокредит берувчи ихтисослашган ташкилотларга мурожаат этишингиз мумкин. Кредитга сотиб олганда номингизга расмийлаштирилган автомобилни олсиз ҳамда муайян вақт давомида харид қиймати ва банк хизматларидан фойдаланганлик учун фоизларни тўлайсиз.

Автозаём олиш учун кредитга буюртма берасиз, унга паспорт нусхаси, шунингдек: иш жойидан — иш ҳақи тўғрисида, солиқ идорасидан — қарзингиз йўқлиги тўғрисида ва яшаш жойингиздан — оилангиз таркиби тўғрисида маълумотномаларни илова қиласиз. Бундан ташқари, сиздан кредитни таяминлашга доир ҳужжатлар ва автосалон билан контрактни талаб қилишлари мумкин.

Буюртма маъқулланганда кредит битими ва автомобилнинг гаров шартномаси тузилади. Бунинг устига банк кафил (одатда юридик шахс) ёки ссуда бўйича бошқа қўшимча кафолатлар, улар шу жумладан бошқа банкларда очилган депозитлар бўлиши ҳам мумкин, албатта мавжуд бўлишини талаб этишга ҳақли.

Лизингнинг кредитдан фарқи шундаки, автомобиль харид учун пул ажратган ташкилот номига расмийлаштирилади. Бутун кредитни тўлаб, транспортга эгалик қилиш ҳуқуқини қўлга киритасиз.



Фақат ўзингиз олсиз

Автоматба ни тугатиб имтиҳон топширдим, энди ҳайдовчилик гувоҳномасини олишим керак. Бироқ иш бўйича кетишга мажбурман. Кейинчалик менга беришларини мўлжаллаб ҳайдовчилик гувоҳномасини олишга ишончномани кимгадир қолдиришим мумкинми?

Азамат К.

— Йўқ, бу ҳужжатни ўзингиз олишингиз шарт. Ҳайдовчилик гувоҳномаси фақат унинг эгасига берилади. Мазкур шахс паспортини ёки унинг ўрнини босувчи ҳужжатни кўрсатиб, ҳайдовчилик гувоҳномаси ва талони бериладиган китобга шахсан имзо қўяди. Ҳайдовчилик гувоҳномаси ваколатнома (ишончнома) билан берилмайди (Низомнинг 57-банди, ВМнинг 2.08.2006 йилдаги 156-сон қарорига 1-илова).

Алла Ромашко, муҳбиримиз.

да нотариал хатти-ҳаракатни амалга оширишга ҳақли (29.08.1996 йилдаги 261-сон Қонун билан тасдиқланган Консуллик уставининг 60-моддаси 1-қисми 1-банди; АВ томонидан 31.01.2011 йилда 2191-сон билан рўйхатдан ўтказилган Йўриқноманинг 34-банди).

Консул расмийлаштирган ишончнома консулнинг легаллаштиришини ҳам (313-сон Йўриқнома), апостиль қўйишни ҳам талаб этмайди (Низом, ВМнинг 17.11.2011 йилдаги 307-сон қарорига 1-илова). Консуллик хатти-ҳаракатларини амалга оширганлик учун консуллик йиғимлари, шунингдек ушбу хатти-ҳаракатларни бажариш билан боғлиқ амалдаги харажатлар қиймати ундирилади (Консуллик уставининг 71-моддаси).

Шу тариқа, АҚШ нотариуси апостиль қўйиб тасдиқлаган, шунингдек консул тасдиқлаган ишончнома Ўзбекистонда нотариал тасдиқланган ишончномага тенглаштирилади ва ДИХХХ органларида рўйхатдан ўтказилиши лозим.

Эркин Ҳосилов,
«Norma Online» эксперти.

Ҳозирги пайтда ЎзР қонун ҳужжатларида таркибий бўлинмалар раҳбарларининг меҳнат муҳофазасига доир қандай вазифалари (мажбуриятлари) назарда тутилган? Бўлинма раҳбарининг лавозим йўриқномасига уларни киритиш мажбурийми?

А.Умаров,
мувофиқлаштирувчи.

Таркибий бўлинмада меҳнат муҳофазаси

– Таркибий бўлинмалар раҳбарлари ёки қўл остида ходимлар ишловчи бошқа мутахассислар (масалан, бригадирлар, прораблар, усталар) ўз бўлинмаларидаги (участкаларидаги) меҳнат муҳофазаси (ММ) ҳолати учун жавобгар бўладилар. Шубҳасиз, улар ММга доир оғир ҳужжатларидан хабардор бўлишлари ва унга риоя этишлари ҳамда буни қўл остидагилардан талаб қилишлари шарт.

Айрим шундай раҳбарларнинг ММга доир бир қатор хизмат мажбуриятлари Меҳнат муҳофазаси бўйича ишларни ташкил этиш тўғрисидаги намунавий низомда (АВ томонидан 14.08.1996 йилда 273-сон билан рўйхатдан ўтказилган) белгиланган. Чунончи, унинг IV боби 5-параграфида цех бошлиғи вазифалари, шу бобнинг айрим бошқа параграфларида эса – одатда тегишли бўлинмаларга (участкаларга) бошчилик қилувчи ва (ёки) уларнинг раҳбарларига тенглаштирилувчи бош механик (3-§), бош энергетик (4-§) ва уста (6-§) вазифалари назарда тутилган.

Бўлинмалар раҳбарларининг ММга доир у ёки бу мажбуриятлари бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ҳам назарда тутилган.

Чунончи, бўлинмалар раҳбарлари зиммасига ўзлари бошчилик қиладиган бўлинмаларда (цехларда) ишчилар ва усталарни хавфсиз ишлаш усулларига ўргатиш мажбурияти юкланади (АВ томонидан 14.08.1996 йилда 272-сон билан рўйхатдан ўтказилган Намунавий низомнинг 5-банди).

Ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодиса юз берганда раҳбарлар:

○ жабрланувчига зудлик билан биринчи ёрдам кўрсатиши ва уни тиббий-санитария

қисмига ёки бошқа даволаш муассасасига етказишни ташкил этиши;

○ текшириш комиссияси иш бошланишига қадар иш жойидаги вазиятни ва жиҳозлар ҳолатини ҳодиса юз берган дақиқада қандай бўлса, шундайлигича (агар бу атрофдаги ходимлар ҳаёти, саломатлигига таҳлика солмаётган бўлса ва ҳалокатга олиб келмаса) сақлаб қолиши;

○ дарҳол ҳодиса тўғрисида иш берувчига ва касаба уюшмаси кўмитасига ёки корхона ходимларининг бошқа вакиллик органига хабар қилиши керак (ВМнинг 6.06.1997 йилдаги 286-сон қарори билан тасдиқланган Низомнинг II бўлими 1-банди).

Меҳнат муҳофазаси бўйича йўриқномаларни ишлаб чиқиш тўғрисидаги низомда (АВ томонидан 7.01.2000 йилда 870-сон билан рўйхатдан ўтказилган) бўлинмалар (хизматлар, участкалар) раҳбарлари зиммасига қуйидаги мажбуриятлар юкланган:

○ қўл остидаги ходимлар ММга доир йўриқномаларга риоя этиши устидан доимий назорат қилиш (8-банд);

○ ишловчилар учун ММга доир йўриқномаларни ишлаб чиқиш ва улар билан таъминлаш (20-банд), ушбу йўриқномаларни ўз вақтида текшириш ва қайта қўриб чиқиш (48-банд);

○ ишловчиларнинг ушбу йўриқномалар билан танишуви осон ва қулай бўлишини таъминлаш заруратини ҳисобга олган ҳолда уларнинг жойлашган жойини белгилаш (58-банд).

Фикримизча, иш берувчи бўлинмалар раҳбарлари учун ММни таъминлашга доир аниқ мажбуриятларни «Меҳнатни муҳофазаси қилиш тўғрисида»ги Қонундан (ўз мажбуриятлари бўйича), юқорида тилга олинган ҳужжатлар ва бошқа манбалардан (махсус адабиёт,

нашрлардан) ўзлаштиришга, бўлинмалар фаолияти хусусиятига қараб зиммаларига юклашга ҳақли. Юқорида санаб ўтилган вазифалардан ташқари, бўлинма раҳбарига ушбу мажбуриятларни юклаш мумкин деган фикрдамиз:

а) қуйидагиларни таъминлаш:

иш жойларидаги меҳнат шароитларининг ММ талабларига мувофиқлиги ва ушбу шароитларнинг ҳолатини, айниқса зарарли ва хавфли ишлаб чиқариш омилларини назорат қилиш;

бўлинмага бириктирилган бинолар, иншоотлар, ускуналар, асбоблар, инвентарь ва мосламалар, юк кўтарувчи мосламалар ва транспорт воситалари, сақловчи ва ўровчи жиҳозлар, шамоллатиш ва ҳавони кондициялаш қурилмалари, иситиш ва ёритиш тизимлари, санитария-техник қурилмалар, ММ талабларига мувофиқ ишлаб чиқариш ва маиший хоналар, ўтиш жойлари ва йўлларни ташкил этишни тутиб туриш ва улардан фойдаланиш;

тез аланга оладиган, ёнувчи, портлаш хавфи бўлган, захарли ва агрессив моддалар, сақлаш ва суюлган газли баллонларни хавфсиз тарзда сақлаш, ташшиш ва қўллаш;

бинолар, иншоотлар, ускуналардан фойдаланишда, технологик жараёнларни амалга ошириш, шунингдек ишлаб чиқаришда хом ашё ва материалларни қўллаш, ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатиш чоғида ходимларнинг¹ хавфсизлиги;

ходимларнинг ҳаёти ва соғлиғига таҳдид солаётган носоз ускуналар (қурилмалар, асбоблар, аппаратлар) ишини тўхтатиб, бундан ташкилот раҳбарини хабардор қилиш;

меҳнат шароити, шу жумладан касб касалликлари ва бошқа касалликларга чалиниш хавфининг мавжудлиги,

аниқ иш жойлари ва ишлаб чиқаришда ММ ҳолати, шунингдек шу муносабат билан бериладиган имтиёзлар ва компенсациялар, шахсий ҳимоя воситалари (ШХВ) тўғрисида ходимларни ўз вақтида хабардор қилиш;

ходимларга ММ тўғрисида йўл-йўриқлар берилиши, ММ масалалари бўйича уларни қайта тайёрлаш, малакаларини ошириш ва билимларини текшириш;

ходимларни сўт, даволаш-профилактика овқати, газланган шўр сув, ШХВ ва гигиена воситалари билан нормалар бўйича таъминлаш, шунингдек уларнинг ШХВни қўллаши;

б) ходимларнинг мажбурий дастлабки (ишга қираётганда) ва вақти-вақти билан тиббий кўриклардан ўтишини ташкил этиш;

в) ММ бўйича ўқитиш, йўл-йўриқ ва унга доир билимлар текширувидан ўтмаган ва талаб қилинадиган ШХВдан фойдаланмайдиган шахсларни ишга қўймаслик;

г) қонунда назарда тутилган ҳолларда (масалан, ишга алкоголь, наркотик ёки токсик сархушлик ҳолатида келиш) ходимларни ишдан четлатиш;

д) улар юзага келган ҳолларда аварияли вазиятларнинг олдини олиш, ходимларнинг ҳаёти ва соғлиғини сақлаб қолиш, шу жумладан жабрланганларга биринчи ёрдам

кўрсатиш чора-тадбирларини қўриш;

е) ММ бўйича тадбирларни ўз вақтида амалга ошириш, давлат назорати ва кўздан кечириш органларининг ММ талабларига, ММ хизмати ёки ММ бўйича мутахассис² кўрсатмаларини бажариш, шунингдек касаба уюшмалари ва ходимларнинг бошқа вакиллик органлари тақдимономаларини қўриб чиқиш.

Бўлинмаларнинг раҳбарлари зиммасига ММни таъминлаш масаласида ташкилот раҳбари бошқа мажбуриятларни юклаши мумкин.

Бўлинма раҳбарининг лавозим йўриқномасига меҳнат муҳофазаси бўйича вазифаларни (функцияларни) киритиш мажбуриятига келсак, қонун ҳужжатларида аниқ кўрсатилган йўриқномага уларни киритиш белгиланмаган. Бироқ иш берувчи МКнинг 176-моддаси 2-қисми ва унинг бошқа тегишли қоидаларининг маъносига амал қилиб, уларни корхона учун умумий бўлган ММ бўйича йўриқномага ёки алоҳида касблар ходимлари учун ва (ёки) айрим иш турларига доир ММ бўйича алоҳида йўриқномаларда, бундай йўриқномалар бўлмаган тақдирда эса – бўлинма аниқ раҳбарининг мансаб йўриқномасида қайд этиши керак.

Камол Музаффаров,
«Norma Online» эксперти.

Эълонлар ва реклама

ХИЗМАТЛАР

Ташкилотлар учун компьютер ва маиший техникани ҳисобдан чиқариш учун ҳужжатларни тайёрлаш. Тўлов – инсталлан шаклда. Тел.: 236-76-46, 233-74-95, 233-17-56.

Иш ҳужжатларини муқовалаш. Тел.: (+998 93) 556-61-31, (+998 90) 189-28-09.

«КИЧИК КОРХОНА ЭЛЕКТРОН БУХГАЛТЕРИ»

Ўзбек тилидаги қўлланмасини тақдим этамиз

Тошкент ш., Миробод тумани, Ташкилотлар кўч., 1/1. Тел.: (998 71) 200-00-90.

E-mail: office@norma.uz, web: www.norma.uz

¹Бу ерда ва ундан кейин «ходимлар» деганда таркибий бўлинма ходимлари, унга хизмат сафарига юборилганлар ва у ерда амалиёт ўтаётган талабалар, коллежлар ва лицейлар ўқувчилари тушунилади.

²Ходимларнинг сони 50 киши ва ундан ортқ бўлган ҳар бир ишлаб чиқариш ташкилотига ММ хизмати ташкил этилади ёки тегишли тайёргарликка эга бўлган ММ мутахассиси лавозими жорий этилади. Ходимларнинг сони 50 нафардан кам бўлган ташкилотда кўрсатилган хизматни (лавозимни) ташкил этиш (жорий этиш) тўғрисидаги қарор иш берувчи томонидан мазкур ташкилот фаолиятининг ўзига хос хусусияти ҳисобга олинган ҳолда қабул қилинади («Меҳнатни муҳофазаси қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 12-моддаси).

Паспорт нусхасини кўрсатиб...

Меҳнат кодексининг 80-моддасига кўра, ишга қабул қилиш вақтида ишга қилаётган шахс қуйидаги ҳужжатларни (аслини!):

паспорт ёки унинг ўрнини босадиган бошқа ҳужжатни; меҳнат дафтарчасини;

ҳарбий билетни ёки ҳарбий ҳисобидида турганлик ҳақидаги гувоҳномани; олий ўқув юртини тамомлаганлиги тўғрисидаги дипломни тақдим этиши шарт.

Фуқаро ишга қилаётган идоранинг кадрлар бўлими бошлиғи ушбу ҳужжатларнинг аслини кўргандан кейингина, ходимни ишга қабул қилиш тўғрисида буйруқ тайёрлаб, имзо учун раҳбарга олиб кириши керак. Ҳужжатларнинг нусхаси асосида ходимни ишга қабул қилиш умуман мумкин эмас.

Жиноят кодексининг 228-моддасида сохталаштирувчининг ўзи ёки бошқа шахс фойдаланиши мақсадида муайян ҳуқуқ берадиган ёки муайян мажбуриятдан озод этадиган расмий ҳужжатлар тайёрлаганлик ёки расмий ҳужжатларни қалбакилаштирганлик учун жавобгарлик назарда тутилган.

Паспортнинг ксеронусхасини қалбакилаштириш ва мазкур ксеронусхани (паспортнинг асли ўрнига) ишга кириш учун тақдим этиши Жиноят кодексининг 228-моддаси биринчи ва учинчи қисмлари бўйича қонунбузарлик ҳисобланадими?

Б.Хажиханов.

— Фикримизча, ЖКнинг 228-моддаси бўйича жавобгарлик юзага келиши учун ҳуқуқни берувчи ёки мажбуриятдан озод этувчи расмий ҳужжат сохталаштирилган бўлиши зарур. Яъни бу ерда бир неча шарт юзага келади.

Биринчидан, ишлаб чиқариш, қалбакилаштириш предмети ахборотни ташишнинг моддий манбаси, масалан, ҳужжат бўлиши даркор.

Иккинчидан, ҳужжатда мавжуд бўлган маълумотлар қонунчилик билан назорат қилинадиган жамоат муносабатлари учун аҳамиятга эга бўлиши ҳамда ушбу муносабатларда қўлланиш учун рухсат берилган бўлиши (расмий ҳужжат ҳисобланиши) даркор. Шахсий қоғозлар (хатлар, кундаликлар, қайдно-малар), ҳуқуқ билан назорат қилинадиган муносабатлар ҳужжатларига алоқадор бўлмаган ҳужжатлар (мисол учун, дўстлик тўғрисидаги сертификат), турли ҳазил ҳужжатлар (эзгу ишлар вазири гувоҳномаси сингари) расмий ҳужжатлар ҳисобланмайди.

Учинчидан, сохта ҳужжат бошқа шахсларда кимгадир маълум ҳуқуқ берилганлиги ёки қандайдир мажбурият юкланганлиги ҳақидаги фикрни уйғотишга йўналтирилган бўлиши керак.

Паспорт нусхаси расмийлик мезони бўйича ушбу шартларга тўғри келмайди. Яъни қонун муайян ҳолатларда ишга қабул қилиш борасидаги ҳуқуқий муносабатларда паспорт нусхасидан фойдаланишга йўл қўймайди. Бундан ташқари, унга шахсни тасдиқловчи расмий ҳужжат тарикасида қаралмайди, балки оригинал ҳужжатнинг мазмуни хусусидаги ёрдамчи ахборот ташувчи ҳисобланади.

Бу муҳим! Ҳужжатлар нусхасини кўрсатиш ҳуқуқ билан назорат қилинадиган жамоат муносабатларига таъсир этиши қонунда тўғридан-тўғри кўрсатилган бўлса (масалан, давлат органлари томонидан рухсат бериш учун асос бўлган), шундагина нусханани ўзи расмий ҳужжат сифатида қабул қилинади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, ишга қабул қилаётганда паспортнинг ишониб бўлмайдиган нусхасини тақдим этиш ЖКнинг 228-моддасига кўра жиноий жавобгарликка тортишга сабаб бўла олмайд.

Самир Латипов,
«Norma Online» эксперти.



Корхонамизнинг штатлар жадвалида кассир ва кадрлар бўйича инспектор лавозимлари назарда тутилмаган. Бош бухгалтер ўринбосарига юклатлар, ҳисобварақ-фактуралар, солиштириш далолатномаларини имзолаш ҳуқуқи берилган.

Бош бухгалтер ўринбосари зиммасига штатлар жадвалида назарда тутилмаган кассир ва кадрлар бўйича инспектор лавозимлари мажбуриятларини юкласа бўладими?

Т.Хмирова.

Учасининг ўрнини босади

— Амалдаги Юридик шахслар томонидан касса операцияларини амалга ошириш қоидаларида (АВ томонидан 22.06.2015 йилда 2687-сон билан рўйхатдан ўтказилган) бухгалтерлар ва касса ҳужжатларини имзолаш ҳуқуқидан фойдаланувчи бошқа ходимларнинг кассир мажбуриятларини бажаришини тақиқловчи норма мавжуд эмас. Аксинча, Қоидаларда кўрсатилишича, штатлар жадвалида кассир штат бирлиги назарда тутилмаган ташкилотларда касса операцияларини бажариш вазифаси бирорта ходим(лар) зиммасига ташкилот раҳбарининг буйруғи (қарори) асосида юклатилиши мумкин (Қоидаларнинг 41-банди).

Мазкур Қоидалар банклар, микрокредит ташкилотлари ва ломбардлар ҳамда «Ўзбекистон почтаси» АЖга нисбатан татбиқ этилмайди (Қоидаларнинг 1-банди).

Кадрлар бўйича инспектор лавозимининг йўқлигига келсак.

Ходим меҳнат шартномасида белгиланган ўзининг асосий иши билан бир қаторда ички меҳнат тартиби қоидалари билан белгиланган ўзининг асосий ишидан озод этилмаган ҳолда бошқа касб ва лавозимда қўшимча ишларни бажариши ҳамда вақтинчалик йўқ бўлган ходимнинг ишларини бажариши бир неча касбда ва лавозимда ишлаш деб эътироф этилади.

Бунда иш берувчи ходим билан қўшимча ишни бажарадиган муддат, унинг мазмуни ва ҳажмини келишиши ҳамда бир неча касбда (лавозимда) ишлаганлик учун қўшимча ҳақ тўлаши шарт. Бундай қўшимча ишни бажарганлик учун қўшимча ҳақ миқдори томонларнинг келишуви бўйича меҳнат шартномасида белгиланади. Бюджет ташкилотларида қўшимча ҳақ тўлаш миқдори ишланаётган лавозим



ва касб бўйича маошнинг 30%идан ортиқ бўлиши мумкин эмас, бошқа ташкилотларда — томонларнинг келишуви бўйича белгиланади.

Иш берувчи томонларнинг келишуви асосида бир неча лавозимда ишлаш тартибида мажбуриятларни юклаш ҳақида буйруқ чиқаради.

Қуйидаги ходимлар тоифалари учун бир неча касбда ва лавозимда ишлашга, хизмат кўрсатиш зонасини кенгайтиришга, ишлар ҳажмини кўпайтиришга йўл қўйилмайди:

➤ давлат бошқаруви органлари ходимлари (техник ва хизмат кўрсатувчи ходимлардан ташқари);

➤ давлат бошқаруви органлари ҳисобланмайдиган бюджет ташкилотларининг раҳбарлари, уларнинг ўринбосарлари, шунингдек ушбу ташкилотлар таркибий бўлинмаларининг раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарлари, қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолатлар бундан мустасно (ВМнинг 18.10.2012 йилдаги 297-сон қарори билан тасдиқланган Низом).

Шу тариқа, агар корхонангиз давлат бошқаруви органи ёки бюджет ташкилоти ҳисобланмаса, бош бухгалтер ўринбосари ўз ишини ва кадрлар бўйича инспектор ишини бирга бажариши мумкин. Бюджет ташкилотда буни Молия вазирлиги ва Меҳнат вазирлиги билан келишиш зарур бўлади.

Абдусалом Рисқуллаев,
«Norma Online» етакчи эксперти.

Ишдан мажбурий бўшатилади. Нафақа тўлайликми?

Ходим Меҳнат кодекси 106-моддасининг 4-бандига кўра ишдан бўшатиладиганда уни огоҳлантириш шартми? Бу ҳолда бўшатиш нафақасини тўлаш ёки моддий қўллаб-қувватлаш мумкинми?

Б.Назиркулов.

— Йўқ, қонунда ходим билан меҳнат шартномаси МКнинг 106-моддаси 4-бандига кўра бекор қилинганда иш берувчи уни бу ҳақда огоҳлантириши кераклиги назарда тутилмаган.

МКнинг мазкур моддасида меҳнат шартномасини тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган ҳолатлар бўйича бекор қилиш тартиботи белгиланган бўлиб, ходим, хусусан, ишга қабул қилиш юзасидан белгиланган қоидалар бузилганлиги муносабати билан, агар йўл қўйилган қоидабузарликни бартараф этишнинг имкони бўлмаса ва у ишни давом эттиришга тўсқинлик

қилса, у билан меҳнат шартномасини бекор қилиш мумкинлиги белгиланган.

Бундан кўриниб турибдики, юқорида қайд этилган асос бўйича меҳнат шартномасининг бекор қилиниши тарафлардан бирининг, хусусан, иш берувчининг ташаббуси билан эмас, балки қонунга кўра амалга оширилади.

Агар ишга қабул қилиш юзасидан белгиланган қоидалар ходимнинг айби билан (суднинг муайян лавозимни эгаллаш ёки муайян фаолият тури билан шугулланиш ҳуқуқидан маҳрум этиш ҳақидаги ҳукмини яшириш, сохта ҳужжатлар тақдим этиш ва ҳоказо) бузилмаган бўлса, меҳнат шартномаси МКнинг 106-моддаси 4-бандига биноан бекор қилинганда ишдан бўшатиш нафақаси тўланади. Бунда нафақанинг миқдори ўртача ойлик иш ҳақидан кам бўлиши мумкин эмас (МКнинг 109-моддаси 1-қисми 3-хатбоши ва 2-қисми).

Ходим кўрсатилган асос бўйича ишдан бўшатиладиганда иш берувчи уни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш кераклиги қонунда назарда тутилмаган. Бироқ, қонун ҳужжатларининг мазмунидан келиб чиқадики, бюджет ташкилотлари ҳисобланмаган иш берувчилар ўз хошига кўра ва жорий молиявий имкониятлари доирасида бундай шахсга моддий ёрдам кўрсатиши тақиқланмайди. Бундай ҳолатда вужудга келиши мумкин бўлган солиқ мажбуриятлари (жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи, фуқароларнинг Пенсия жамғармасига сугурта бадаллари ва ягона ижтимоий тўловнинг тўланиши) ўз вақтида ҳамда тўлиқ миқдорда бажарилиши керак.

Камол Музаффаров,
«Norma Online» етакчи эксперти.

Ўғирлик ҳақидаги ариза юзасидан жавоб оламии?

1. Савдо-сервис хизмат кўрсатиш шохобчаларида тўлов операциялари ўтказилишини кузатувчи видеокамералардаги ахборот қанча вақт сақланиши керак? Уни сақлаш муддати қандай меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинган?

2. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига ариза берувчининг пластик карточасидан ким ноқонуний фойдаланганини аниқлаш сўралган пластик карточка воситасидаги ўғирлик ҳақида ариза келиб тушганда улар видеоахборотни талаб қилишлари учун қонунга кўра қанча вақт ажратилган?

3. Кўрсатилган аризани олган ҳуқуқни муҳофаза қилиш органи қанча муддатда унга муносабат билдириши, тергов ўтказиши ва аризачига расмий жавоб бериши керак?

Тошкент вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг касаба уюшмаси кўмитаси.



1 Савдо-сервис шохобчалари ўзларига қарашли ва (ёки) ёндош ҳудуддаги видеокамералар (видеокузатув тизимлари) ёрдамида, шу жумладан тўлов операциялари ўтказилишининг видеоёзуви тарзидаги ахборотни аниқ муддат сақлашини ўғридан-тўғри белгилловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мавжуд эмас. Шунингдек ушбу шохобчаларга видеокузатув олиб бориш мажбуриятини юқловчи ҳужжатлар ҳам йўқ.

Шу сабабли савдо ва (ёки) хизматлар кўрсатувчи субъектлар ўз ҳудудларида видеокузатув олиб боришга қарор қилсалар, видеоахборотни химоялаш чораларини кўрган ҳолда уни сақлаш тартиби ва муддатини мустақил равишда белгилайдилар («Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги Қонуннинг 1-моддаси, 4-моддаси 1-қисми, 8-моддаси 1-қисми, 11-моддаси).

ноят содир этишда айбдор бўлган шахсларни аниқлаш учун қонунда назарда тутилган барча чораларни кўришлари шарт (ЖПКнинг 15, 321-моддалари, 331-моддаси 1-қисми).

Жиноят-процессуал қонун ҳужжатларининг вазифалари жиноятларни тез ва тўла очишдан, айбдорларни фош этишдан иборатдир (ЖПКнинг 2-моддаси), шу сабабли сиз тилга олган жиноят ҳақидаги аризани кўриб чиқаётган мансабдор шахс **зудлик**

билан видеоахборотни талаб қилиб олиши шарт.

Мазкур шахс ариза берувчи билан иложи борица тез учрашиши, ундан тушунтиришлар (терговга қадар текширувда) ёки кўрсатмалар (иш кўзгатилгандан кейин) олиши, ЖПКнинг 87-моддаси 1-қисмида рўйхати келтирилган барча эҳтимолий тергов ҳаракатларини (гувоҳларни сўроқ қилиш; юзлаштириш; таниб олиш учун кўрсатиш; олиб қўйиш; кўздан кечириш ва б.) юртиши шарт.

2 Жиноятга оид аризалар, ҳабарлар ва бошқа маълумотлар ЖПКнинг 329-моддаси билан белгиланган муддатларда кўриб чиқилади. Улар рўйхатга олинishi ва дарҳол, жиноят ишини кўзғатиш учун сабаб қонунийлигини ва асослар етарли эканлигини бевосита ёхуд суриштирув органлари ёрдамида текшириш зарурати бўлган тақдирда эса, 10 суткадан кечиктирмасдан ҳал қилиниши лозим. Ушбу муддат ичида терговга қадар текширув ўтказилиб, унинг давомида қўшимча ҳужжатлар, тушунтиришлар талаб қилиб олиш, тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш ҳақида топшириқлар бериш ва бошқа текширув ҳаракатларини ўтказиш мумкин. Алоҳида ҳолларда текширув муддати ЖПКнинг 329-моддаси 3-қисми 1-4-бандларида кўрсатилган ҳолатлардан бири мавжуд бўлган тақдирда, суриштирувчи ёки терговчининг асосланган қарорига кўра прокурор томонидан 1 ойгача узайтирилиши мумкин.

Бироқ терговга қадар текширув давомида ҳақиқатан зарурат туғилган

ҳолдагина тушунтиришлар ва қўшимча материалларни талаб қилиб олиш мумкин. Иш кўзгатилгунга қадар кўп миқдордаги бундай ҳужжатларни олишга ўринсиз интилиш суриштирув (тергов) органлари асоссиз вақт, куч ва маблағ сарфлашига ҳамда ариза берувчи ва (ёки) бошқа фуқаролар учун кераксиз қийинчиликлар туғилишига, шунингдек жиноятни «иссиғида» очиш имкони йўқолишига олиб келади.

Жиноят (масалан, сиз ёзганингиздек, пластик карточкадан фойдаланган ҳолда ўғирлик¹) ҳақидаги ариза жиноят ишини кўзғатиш учун сабаб бўлади (ЖПКнинг 322-моддаси 1-қисми 1-банди). Жиноят белгилари мавжудлигини кўрсатувчи аризадаги маълумотлар (масалан, жамоатчилик учун хавф, ҳуқуққа зидклигининг мавжудлиги) жиноят ишини кўзғатиш учун асос бўлади (ЖПКнинг 322-моддаси 2-қисми).

Шу билан бирга суриштирувчи, терговчи, прокурор ўз ваколатлари доирасида жиноят содир этилганлиги тўғрисида сабаб ва етарли асослар мавжуд бўлган ҳар бир ҳолда жиноят ишини кўзғатишлари, жиноий ҳодисани, жи-

3 Ариза берувчининг мурожаати-га жавоб беришга келсак. Суриштирувчи, терговчи ёки прокурор жиноят ҳақидаги аризага кўра қуйидаги қарорлардан бирини қабул қилади:

- 1) жиноят ишини кўзғатиш ҳақида;
- 2) ишни кўзғатишни рад қилиш ҳақида;

3) ариза ёки хабарни терговга тегишлилигига қараб юбориш ҳақида (ЖПКнинг 330-моддаси).

Фақат ишни кўзғатиш рад қилинганда қонун кўрсатилган мансабдор шахслардан ариза берувчини хабардор қилишни ҳамда бундай қарор устидан шикоят қилиш ҳуқуқи ва тартибини унга тушунтиришни талаб этади (ЖПКнинг 333-моддаси 1-қисми). Гарчи қонунда хабардор қилиш муддати назарда тутилмаган бўлса ҳам, у оқилона муддатда амалга оширилиши лозим.

Шу сабабли ЖПКга суриштирув ва тергов органларига бошқа қарорлар қабул қилиниши ҳақида ҳам ариза берувчини тегишли муддатда хабардор қилиш мажбуриятини юқловчи норма қўшимча қилиш мақсадга мувофиқ деган фикрдамиз.

ЖПКнинг 351-моддасига мувофиқ дастлабки тергов жиноят иши кўзғатилган кундан бошлаб 3 ойдан ошмаган муддатда тамомланиши лозим². Ушбу муддат тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси прокурори, ви-

лоят ёки Тошкент шаҳар прокурори ва унга тенглаштирилган прокурор томонидан – 5 ойгача, Бош прокурорнинг ўринбосари томонидан – 7 ойгача ва Бош прокурор томонидан – 9 ойгача узайтирилиши мумкин. Бош прокурор алоҳида ҳолларда, содир этилган жиноятнинг оғирлигини ҳамда тергов қилинаётган ишнинг мураккаблигини инобатга олиб, дастлабки тергов муддатини 1 йилгача узайтириши мумкин.

Терговчи ариза берувчини (жабрланувчини/фуқаровий даъвогарни) қуйидагилар ҳақида хабардор қилади:

➤ дастлабки тергов тўхтатилганлиги ҳақида (ЖПКнинг 369-моддаси 2-қисми);

➤ барча иш материаллари билан танишиб чиқиш ва уни тугатиш тўғрисидаги қарор устидан прокурорга шикоят қилиш ҳуқуқига эга эканликларини тушунтирган ҳолда жиноят иши тугатилганлиги ҳақида (ЖПКнинг 374-моддаси 4-қисми);

➤ иш айблов ҳулосаси билан судга юборилганда дастлабки тергов тамомланганлиги тўғрисида. Бунда ҳам унга барча иш материаллари билан танишиб чиқиш ҳуқуқига эга эканлиги тушунтирилади (ЖПКнинг 375-моддаси 3-қисми).

Камол Музаффаров,
«Norma Online» эксперти.

Реклама

НОРМА

«СОЛИҚЛАР: САВОЛЛАР ВА ЖАВОБЛАР»

Ўзбек тилидаги қўйланмасини тақдим этамиз

Тошкент ш. Миробод тўғрисида, Таначиаржон кўч. 1/1.

Тел. (998 71) 200-00-90. E-mail: office@norma.uz.

web: www.norma.uz

¹Ушбу материалда жиноятни ЖПКнинг муайян моддаси (унинг қисми, банди) бўйича квалификациялаш масаласи кўтарилмаётти.

²Иш айблов ҳулосаси билан, ишни тиббий йўсиндаги мажбурият чораларини қўллаш ёхуд тарафларнинг ярашуви учун судга юбориш тўғрисидаги қарор билан, амнистия актига асосан жиноят ишини тугатиш ҳақида судга илтимоснома киритиш тўғрисидаги тақдимома билан прокурорга топширилган кунни ёхуд ишни тугатиш ҳақида қарор чиқарилган кунни дастлабки тергов тамомланган ҳисобланади (ЖПКнинг 351-моддаси 4-қисми).

ИСЛОҲОТЛАР

Суд тизими янада такомиллашади

Суд тизимини босқичма-босқич демократлаштириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилувчи суд ҳокимиятининг том маънодаги мустақиллигига эришиш мамлакатимизда олиб борилаётган суд ислоҳотларидан кутилаётган асосий натижадир.

Ўзбекистон Президенти томонидан «Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони (21.02.2017 йилдаги ПФ-4966-сон) қабул қилиниши самарасида суд тизимида бир қатор янгиланиш ва ўзгаришлар амалга оширилди. Хусусан, судьялик лавозимига номзодларни танлаш ва тайинлаш тизимини тубдан такомиллаштириш мақсади-

да республика Судьялар олий кенгаши ташкил этилди.

Мазкур кенгаш суд ҳокимиятининг мустақиллиги ҳақидаги конституциявий принципга риоя этилишини таъминлашга қўмаклашади, судьялик лавозимларига малакали мутахассислар орасидан очиқ ва шаффоф танлов асосида судьялар корпусини шакллантиради, уларнинг дахлсизлиги бузилиши ва одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига аралашиларнинг олдини олади, номзодлар

ва судьяларнинг касбий тайёргарлигини таъминлайди.

Очигини айтиш керакки, республикада Олий ва Олий ҳўжалик судларининг параллел фаолият юритиши қонун ҳужжатлари талаблари бир хилда қўлланишини таъминлай олмайди, бир-бирига ўхшаш масалалар юзасидан турлича қарорлар қабул қилиниши ҳолатлари юзга келган эди. Судлар тизимини бошқаришдаги бир-бирини тақрорловчи функцияларни бартараф этиш ҳамда ягона суд амалиётини шакллантириш мақсадида юқоридаги ҳар икки суднинг фуқаролик, жиноий, маъмурий ва иқтисодий суд иш юритиш соҳасида суд ҳокимиятининг ягона олий орга-

ни – Ўзбекистон Республикаси Олий судига бирлаштирилгани энг катта ўзгаришлардан бири бўлди.

Халқаро тажрибаларга таянган ҳолда, шунингдек, юртимизда ишбилармонлик муҳитини янада ривожлантириш ва тадбиркорларнинг ҳуқуқларини тўла ҳимоя қилиш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳўжалик судлари тегишли иқтисодий судлар этиб ўзгаририлди, туманлараро, туман (шаҳар) иқтисодий судлари ташкил этилди. Туманлараро, туман

(шаҳар) иқтисодий судларининг ташкил этилиши тадбиркорларнинг ортқча вақт ва молиявий харажатлар қилишига чек қўйди.

Ташкил этиладиган маъмурий ва иқтисодий судлар жойлашуви узоқ ҳудудларда истиқомат қиладиган фуқароларнинг, шу жумладан тадбиркорларнинг суд ҳимоясига эришиш даражасини оширади.

С.Раҳметов,
Юристар малакасини ошириш маркази тингловчиси.



Ё даволанинг, ё ўқинг

Ўғлим, коллежнинг 1-курс ўқувчиси кўп касал бўлади. Машгулотларни ўтказиб юбораётганида коллежга бориб, касаллиги туфайли келмаслиги ҳақида ариза ёзаман. Шундай бўлса-да, у «4» ва «5» баҳоларга ўқийди. Яқинда қаттиқ шамоллаб қолди, унга поликлиникада 21 февралдан касаллик варақаси очиб, фақат 25 февралда қабулга келишини айтди. У касал бўлиб қолгани, маълумотномани 25 февралдан кейин тақдим этишим ҳақида коллежга ариза ёздим. Бироқ директор ўринбосарининг айтишича, агар яна бир марта ўқини қолдирса, ўғлимни академик таътилга жўнатишар эмиз. Коллежнинг 1-курс ўқувчисини узрли сабабга кўра машгулотларга келмагани учун академик таътилга чиқаришлари мумкинми?

Е.Ким.

– Академик таътил берилиши учун куйидаги ҳужжатлар бўлиши зарур:

1) сурункали касаллиги сабабли 1 ойдан ортқ вақт давомида дарсларга қатнаша олмаган ўқувчининг ота-онаси (ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар) томонидан ёзилган ариза (АВ томонидан 17.01.2013 йилда 2413-сон билан рўйхатдан ўтказилган Низомнинг 4-банди);

2) ўқувчи доимий назоратда турган тиббий муассасаси комиссиясининг хулосаси (Низомнинг 3-банди).

Кўрсатилган ҳужжатларсиз академик таътилни расмийлаштириш ноқонуний ҳисобланади.

Бундан ташқари, саломатлигини тиклаш мақсадида ўқувчига Таълим муассасалари ўқувчиларига тиббий кўрсатмалар бўйича академик таътил беришга оид касалликлар рўйхатига мувофиқ академик таътил берилади (Низомнинг 5-банди).

Шунга эътибор қаратамизки, саломатлиги туфайли (тиббий комиссия хулосаси асосида) академик таътилни расмийлаштирилиши ўқувчининг ўқишдан четлаштирилишига асос бўлиши ҳам мумкин (Низомнинг 18-банди, ВМнинг 29.12.2012 йилдаги 367-сон қарорига 1-илова).

Жўрабек Муротов, «Norma Online» эксперти.



Микрокредит ташкилотидан кредит олдим, бир ҳафтадан кейин уни қайтариш муддати келади. Бироқ бошқа кредит ташкилотидан айтишларича, талаб қилиш ҳуқуқидан бировнинг фойдасига воз кечиш шартномасига кўра унга бир нечта шартнома, шу жумладан мен билан тузилган кредит шартномаси бўйича қарзни талаб қилиш ҳуқуқи берилган. Ушбу ташкилотлар ўртасида шартномалар бўйича берилган ҳуқуқлар ҳажмлари юзасидан низо юзга келган, шу боис менга ҳужжатларни тақдим этмайптилар. Агар уларнинг низои ҳал этилишини кутсам, кредитни қайтариш муддатини бузган бўлсам (бу шартномавий мажбуриятларнинг бузилиши ҳисобланади).

Кредитор маълум бўлмаганда кредитни қандай қайтаришим мумкин?

Д.Эргашев.

Кредитни сўндириш: муддатни ўтказиш ёки депозит

– Ҳақиқатан ҳам, кредит суммаси кредит шартномасида белгиланган муддатда қайтарилиши керак. Кўриб чиқилаётган вазиятда кредитнинг кимлиги ноаниқ бўлганлиги сабабли кредит суммасини нотариус депозитига киритишга ҳақлисиз. Шу тариқа, қарз суммасини қайтариш мажбурияти бажарилган ҳисобланади ва тўлов муддатини кечиктирмаган бўлса (ФКнинг 249-моддаси).

Қарз суммасини мажбурият ижро этиладиган жойдаги нотариал идора депозитига, агар у шартномада белгиланмаган бўлса, шартнома тузилган санада кредит ташкилоти жойлашган жойдаги нотариал идора депозитига киритиш зарур.

Суммани депозитга киритиш учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишингиз зарур:

➤ суммани депозитга киритиш ҳақида ариза (2 нусхада);

➤ паспорт ёки шахсни тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар;

➤ кредит шартномаси;

➤ пул суммалари топшириладиган кредиторларнинг рўйхати (битта кредиторники);

➤ кредиторларга пул суммаларини қабул қилиш ҳақида юборилган хабарномалар ва (ёки) кредиторлар томонидан қабул қилинмаганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар;

➤ кредитор жойлашган манзилни тасдиқловчи ҳужжат (АВ томонидан 30.03.2010 йилда 2090-сон билан рўйхатдан ўтказилган Йўриқноманинг III боби 32-§).

Депозитга қабул қилинган сумма ҳудудий адлия бошқармаси очган банк ҳисобрақамига ўтказилади.

Шундан кейин нотариус пул суммалари келиб тушганлиги ҳақида кредиторга хабар қилади ҳамда унинг талаби бўйича

унга тегишли пул суммаларини топширади («Нотариал тўғрисида»ги Қонуннинг 74-моддаси).

Кредитор ёзма равишда мурожаат қилганда нотариус адлия бошқармасига уларни бериш ҳақида хат жўнатади. Унинг асосида адлия бошқармаси тўлов талабномасини жўнатади ва кредитор ўз пулини ола олади.

Шуни қайд этиш зарурки, кредитор 3 йил давомида ўзига тегишли пул маблағларини бериш талаби билан мурожаат қилиши керак. Ушбу муддат ўтгач, талаб қилинмаган пул суммалари давлат бюджетига ўтказилади.

Азиза Шоназарова,
Тошкент шаҳар Мировод тумани 9-сон Давлат нотариал идорасининг нотариуси.

Иқтисодий-ҳуқуқий газета

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ҲУҚУҚ
СОЛИКЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

ТАЪСИСЧИ «Norma Hamkor» МЧЖ

Газета 2006 йил 26 декабрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинди.
Рўйхат рақами 0074.
Ҳафтада бир марта сешанба кунлари чиқади.

Бош муҳаррир
Фарҳод Собирovich
ҚУРБОНБОЕВ

Нашр учун масъул –
бош муҳаррир
ўринбосари,
масъул котиб
Нодир Носирович
АЛИМОВ

Адабий муҳаррир
Зулфия
Саидмуратовна
РАҲИМБЕКОВА

Саҳифаловчи
Наталья
БАРАНОВА

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
100105, Тошкент ш., Мировод тумани,
Таллимаржон кўч., 1/1,
Таҳририят тел. 200-00-90
Обуна бўлими тел. 200-00-30
E-mail: sbk@norma.uz,
gazeta@norma.uz,
web: norma.uz

Газета нашр – «ТОПРИНТ» МЧЖнинг компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.
Нашр ўрнатгани – 186. Қўзғатгани – А3. Ҳажми – 2 босма табоқ, Базоси келинган нархда.
Буюртма 885. Адади 1 205. Газета 2017 йил 27 март соат 18.30 да топширилди.

Обуна, газеталар, китоблар,
газеталарнинг электрон версияларини
етказиб бериш ва харид қилиш масалалари
бўйича 200-00-30;
«Norma» АКТ бўйича – 200-00-90;
Рекламани жойлаштириш бўйича
283-32-31, 283-36-32 телефон рақамларига
муурожаат қилиш мумкин.